

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

“МУТАХАССИСЛИК” КАФЕДРАСИ

Мавзу:

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Тошкент-2022

МАВЗУГА ОИД РЕЖА:

1. Молиявий ҳисобот
2. Бухгалтерия баланси 1-шакл
3. «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шаклни тузиш

Молиявий ҳисобот тўғрисида тушунча;

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир.

Молиявий ҳисоботлар мақсадли бўлиб иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун кенг фойдаланувчилар доирасига зарур бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ва пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ахборот тақдим этиш ҳисобланади ҳисоботлар.

Молиявий ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан амалга ошириладиган ресурсларни бошқариш натижаларини ҳам кўрсатади. (Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот Ўз.Р. БХМС-1).

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1- сонли шакл бухгалтерия баланси;
- 2- сонли шакл молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 4- сонли шакл пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;
- 5- сонли шакл хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағларини олувчиларнинг ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ҳисоботи бюджет тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тузилади ва тақдим этилади.

Молиявий ҳисобот - Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 феврал 2020 йилдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори.

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди. (акциядорлик жамиятлари. тижорат банклари.суғурта ташкилотлари ва йирик корхоналар).

Бухгалтерия ҳисоби субъекти молиявий ҳисоботни тузишда мустақил балансга ажратилган ўз ваколатхоналарининг, филиалларининг ва бошқа таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия балансларини ҳамда бошқа ҳисобот шакллари кириштириши керак.

Молиявий ҳисобот ҳисобот йили бошидан ортиб боровчи якун билан тузилади.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот Асосий хўжалик жамияти бўлган ва шўъба хўжалик жамиятларига, ўз назорати остидаги ташкилотларга эга бухгалтерия ҳисоби субъекти консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби, шунингдек асосий хўжалик жамиятининг назорати остидаги ташкилотларга қўйиладиган талаблар бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Изох: Консолидациялашган хўжалик субъект, бу бир-бирида улуши бор. Бири фойда билан чиққан бўлиши мумкин, бири зарар билан. Ҳисоботларни биттаси топширади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври қандай

1 январь — 31 декабрь календарь йили йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот давридир.

1 январдан бошлаб даврий молиявий ҳисобот тузилаётган даврнинг ҳисобот санасини ҳам қамраб олган давр календарь йил мобайнида тузиладиган даврий молиявий ҳисобот учун ҳисобот давридир.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун **юридик шахс ҳуқуқи қўлга** киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, юридик шахс бўлмаганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс (бюджет ташкилотларидан ташқари) 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтилгунига ёки юридик шахс ҳуқуқи олингунига қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йилининг молиявий ҳисоботида киритилади.

Молиявий ҳисобот: давлат солиқ хизмати органларига; таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга; давлат статистика органларига; қонунчиликка мувофиқ бошқа органларга тақдим этилади.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши.

Молиявий натижалар-нинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўз.Рес.13.04.2016й., ЎРҚ-404-сонли «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.

Ўз.Рес. бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС-21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома».

Ўз.Р В М. 05.02.1999 йил 54-сон қарори «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» .

2-сонли БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар.

ДАРОМАДЛАР. ХАРАЖАТЛАР. ФОЙДА ЁКИ ЗАРАР.

3-сонли БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ, УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.

-Корхоналарнинг маълум бир даврга молиявий ҳолати қай даражада эканлигини, улар маблағлари жойлашиши, ишлатилиши қандай олиб борилаётганлигини ва умуман корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, назорат этиш, текшириб бориш зарур.

-Бу зарурият корхонанинг бошқарув ходимларига, ҳамда ички ходимларига, юқори ташкилотларига, банк, солиқ инспекциясига, кредиторларга, инвесторларга керакдир.

-Уларнинг бу масала юзасидан талабини корхонанинг баланси қондиради. Бухгалтерия баланси 1-шакл, ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик бўлиши мумкин.

-Хўжалик юртишда ҳар бир жараён рўй бериши натижасида, балансдаги хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари миқдорий ва таркибий жихатдан ўзгариб боради. Бу ҳолат дастлабки ҳужжатларда акс эттирилиб, сўнгра бухгалтерияда синтетик ҳисоб юритилади.

-Счетларда **икки ёқлама ёзув** орқали акс эттирилади. Ой охирида эса ҳар бир счетлар бўйича қолдиқ суммалар аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобининг **камида** иккита счётида **бир вақтда** ва **ўзаро боғлиқ ҳолда** пулда баҳолаб акс эттириш йўли билан **иккиёқлама ёзув усулида** юритилади

Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан кассага 1 500 000 сўм нақд пул чек асосида олиб келинди



БАЛАНС

Бухгалтерия баланси, маълум санага тузилади ва корхона фаолиятининг маълум даврдаги ҳолатини ўзида мужасамлаштиради.

АКТИВ ҚИСМИ. Узоқ муддатли активлар ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хўжалик жараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк, тўпланган молиявий ҳамда давлат ташкилотлари маблағи, ҳусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳақозо маблағлар эвазига сотиб олинади.

ПАССИВ ҚИСМИ. Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиш манбалари балансининг пассивида кўрсатилади. Булар ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган

манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари ва бошқа мажбуриятларни киритиш мумкин.

БАЛАНСНИНГ ТАРКИБИ.

Актив

I. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР.

0100-0990

010-120-сатр

ЖАМИ 1-БЎЛИМ 130-сатр

II. ЖОРИЙ АКТИВЛАР

1000-5900 140-380-сатр

ЖАМИ 2-БЎЛИМ 390-сатр

БАЛАНС активи

400-сатр

Пассив

I. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ.

8300-8900

410-470-сатр

ЖАМИ 1-БЎЛИМ 480-сатр

II. МАЖБУРИЯТЛАР.

6000-7900

490-760-сатр

ЖАМИ 2-БЎЛИМ 770-сатр.

БАЛАНС пассиви

780-сатр.

Молиявий натижалар шакилланиши.

Корхонанинг молиявий натижасини шаклланиши ва ишлатилиши учун 21-сонли БҲМС счетлар режасининг 5-қисм 9-бўлимида:

“Даромад” счётлари

9000-9050, 9300-9390, 9500-9590, 9710

“Харажат” счётлари

9100-9130, 9210, 9220, 9400-9430, 9600-9690, 9720, 9810, 9820

Бу счётлар даромад ва харажат транзит счётлар бўлиб, ҳисобот даври давомида ишлатилади, ҳисобот якунида тегишли счётлар ҳисобига ёпилиб, қолдиққа эга бўлмайди.

ДАРОМАДЛАРНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ.

9000-9050 АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ДАРОМАДИ.

9300-9390 БОШҚА ОПЕРАЦИОН ДАРОМАДЛАР.

9500-9590 МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ДАРОМАДИ.

9710 ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА.

ХАРАЖАТЛАРНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ

9100-9150 СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ТОВАР, ИШ, ХИЗМАТ)ЛАРНИНГ ТАННАРХИ.

9210-9220 АСОСИЙ ВОЧСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИ.

9410-9430 ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ.

9610-9690 МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТ.

9720 ФАВҚУЛОДДА ЗАРАР.

9810-9820 СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИ.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ=ССТ-ИТ (30-сатр)

ЯФ-ялпи фойда.

ССТ-сотишдан олинган соф тушум.

ИТ-сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи.

АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТ ДАРОМАДЛАРИ. ҚУЙИДАГИ СЧЁТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛАДИ:

9010 Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар.

9020 Товарларни сотишдан даромадлар.

9030 Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар.

9040 Сотилган товарларнинг қайтиши

9050 Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) бўйича аналитик ҳисоб сотилган маҳсулотлар (товарлар), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади. Бундан ташқари, аналитик ҳисобни сотувнинг географик сегментлари (ҳудудлар) ва корхонани бошқариш учун зарур бўлган бошқа сегментлар бўйича юритиш мумкин.

СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ТОВАР, ИШ, ХИЗМАТ)ЛАРНИНГ ТАННАРХИ ҲИСОБИ. ҚУЙИДАГИ СЧЁТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛАДИ:

9110 Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи.

9120 Сотилган товарларнинг таннархи.

9130 Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи.

9140 Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш / харид қилиш.

9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”

Ҳисобот даврининг охирида 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” счётлари 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан ётилади.

Асосий фаолиятдан олинган фойда.

Бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

АФФ=ЯФ-ДХ+БЗ(100-сатр)

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда.

ДХ-давр харажатлари.

БЗ-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ.

9410 Сотиш харажатлари

9420 Маъмурий харажатлар

9430 Бошқа операцион харажатлар

9410 Сотиш харажатлари счётида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шугулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9410 “Сотиш харажатлари” счёти 9910 “Яқуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

9420 корхонани бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, умумбошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг ижара тўловлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9420 “Маъмурий харажатлар” счёти 9910 “Яқуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

9430 кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўлов харажатлари, иш ҳақи ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган компенсациялаш ва рағбатлантириш аҳамиятига молик тўловлар, банк ва депозитария хизматларининг тўловлари, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа операцион фаолият жарёнида вужудга келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият ва фавқулодда харажатлар моддаларининг белгилари бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9430 “Бошқа операцион харажатлар” счёти 9910 “Яқуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Умум хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар). Бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плус молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус молиявий фаолият бўйича харажатлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ (220\text{-сатр})$$

УФ-умумхўжалик фаолитидан олинган фойда.

МД-молиявий фаолиятдан олинган даромад.

МХ-молиявий фаолият харажатлари.

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ҲИСОБИ .

ҚУЙИДАГИ СЧЁТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛАДИ:

9510 Роялти кўринишидаги даромадлар

9520 Дивидендлар кўринишидаги даромадлар

9530 Фоизлар кўринишидаги даромадлар

9540 Валюталар курслари фарқидан даромадлар

9350 Қисқа муддатли ижарадан даромадлар

9560 Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар

9590 Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

9610 Фоизлар кўринишидаги харажатлар,

9620 Валюталар курслари фарқидан зарарлар,

9630 Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар,
9690 Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Банклар, мол етказиб берувчиларнинг кредитлари ва қарзлар, узоқ муддатли ижара бўйича фоизлар ва бошқа фоиз тўлови харажатлари 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счётининг дебетида 6920 “Ҳисобланган фоизлар” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” счётида салбий курс фарқи ва баланснинг валюта моддаларига доир операциялар бўйича зарарлар акс эттирилади. Чет эл валютаси операциялари бўйича салбий курс фарқлари, шу жумладан бухгалтерия балансини тузиш санасига қарзларни қайта баҳолашдан фарқ 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” счётининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9630 Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар 9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлари” счётининг дебетида мажбуриятлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Солиқ тўлангунгача олинган фойда

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус фавқулодда зарар сифатида аниқланади:

$$\text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ} \quad (240\text{-сатр})$$

СТФ-солиқ тўлангунгача олинган фойда.

ФФ- фавқулодда вазиятларда олинган фойда.

ФЗ- фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА (ЗАРАР) ҲИСОБИ.

ҚУЙИДАГИ СЧЁТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛАДИ:

9710 Фавқулоддаги фойдалар

9720 Фавқулоддаги зарарлар

Фавқулодда ходисалардан фойда 9710 “Фавқулоддаги фойдалар” счётининг кредитида ТМЗни ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Фавқулодда ходисалардан зарар 9720 “Фавқулоддаги зарарлар” счётининг дебетида узоқ муддатли ва жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9710 “Фавқулоддаги фойдалар”, 9720 “Фавқулоддаги зарарлар” счётлари 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда ётилади.

Йилнинг соф фойдаси.

Солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва йиғимларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ФС} - \text{БС} \quad (270\text{-сатр})$$

СФ-соф фойда.

ФС-фойда солиғи

БС-бошқа солиқлар ва йиғимлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2.4. бўлимида келтирилган келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади. Ушбу счётада ҳисобот даври давомида йиғилган харажатлар тўғрисидаги ахборот балансдан ташқари 012 “Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар” счётининг дебетиға ёзилади.

СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ҲИСОБИ. ҚУЙИДАГИ СЧЁТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛАДИ:

9810 “Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар”

9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар” Йил давомида бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар бўйича ҳисобланган тўловлар 9810 “Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар”, 9820 “Фойдадан ҳисобланадиган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар” счётининг дебетида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобот даври тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузилганда 9810 “Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар”, 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар” счёти 9910 “Яқуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва тўловларнинг турлари бўйича юритилади.

Корхонада содир бўлган жараёнлар бухгалтерия ҳисоби.

Фойдадан бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган суммалар.

Д-т 9810 9820 К-т 6420

Ҳисобот даврининг охирида солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши.

Д-т 9910 К-т 9810 9820

ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ. ҚУЙИДАГИ СЧЁТЛАРДА АКС ЭТТИРИЛАДИ:

9910 “Яқуний молиявий натижа” счёти ҳисобот йилида корхона фаолияти яқуний молиявий натижасининг шаклланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Яқуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда даромадлардан ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилишидан юзага келади. 9910 “Яқуний молиявий натижа” счётининг дебетида корхонанинг харажат (зарар)лар, кредитида эса даромад (фойда)лар акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит айланмаси таққосланиши ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни кўрсатади. Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910 “Яқуний молиявий натижа” счётининг дебети ва кредити бўйича айланмалар йиғилади ва ҳисобот

даврининг якуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу счёт бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисобот даврининг тугаши билан йиллик молиявий

Т/ Р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Кредитлар ва қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
2	Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
3	Балансинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан салбий курс фарқлари	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар, мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар	3290
4	Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш (қийматининг камайтирилиши) натижасида қўрилган зарарлар ва ҳ.к.	9690	0610-0690, 5810-5890

ҳисобот тузишда 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Корхонада содир бўлган жараёнлар

5	Хисобот даври охирида молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9610-9690
---	--	------	-----------

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари	9410	6990
2	Четдан реклама ва маркетинг хизматлари	9410	6010
3	Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириши	9410	0210-0299
4	Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларнинг эскириши	9410	0510-0590
5	Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари	9420	6710
6	Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши	9420	0210-0299
7	Бошқарув биносининг ижара тўлови	9420	6910
8	Бошқарув эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди	9420	1010-1090
9	Транспорт корхоналарининг хизмати	9420	6010
10	Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари	9420	4220, 4230
11	Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини сақлашга ажратмалар	9420	6120
12	Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловлар	9430	6990
13	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан зарарлар	9430	9210, 9220
14	Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишлар	9430	5910
15	Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисобланди	9430	4910
16	Солиқ идоралари қарорига кўра жарима ҳисобланди	9430	6410
17	Корхона балансида бўлган олий ўқув юртларини сақлаш учун ажратмалар	9430	6110
18	Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар тўланди	9430	5110-5530
19	Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	9430	2010
20	Ўтган йиллар муомалаларидан кўрилган зарарлар	9430	Олинадиган счётлар
21	Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар	9430	6960
22	Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатлари	9430	5110-5530

	тўланди		
23	ТМЗнинг сотилиши бўйича баҳонинг камайиш натижалари ҳисобдан чиқарилди	9430	3190

